


Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№35 (6.560). Sotuvda erkin narhda



● Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга террорчиликка қарши дунёвий урушда кўрсатаётган ёрдами учун миннатдорчилик мактуби йўллади.

● Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Европа Иттифоқи Комиссияси «ЕвропаЭйд» дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Қонунларнинг ижросини ташкил этиш механизмлари» мавзусида семинар ўтказди.

● Халқаро андозаларга мувофиқ бунёд этилган Самарқанд аэропортига Москва-Самарқанд йўналиши бўйича катночи Россиянинг «Домодедовские линии» авиакомпаниясининг «Ил-62 М» русумли йўловчи самолёти келиб қўнди.

● Тошкентда Банк-молия академияси малака ошириш факультети тингловчиларининг Ўзбекистон Банклар ассоциацияси шўба қорхоналари раҳбарияти билан икки кунлик «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида деҳқон ва фермерлар иштирокида семинарлар ташкил этилиб, асосий эътибор уларнинг ҳуқуқий билим ва савияларини юксалтиришга қаратилмоқда. Шундай анжуманлардан бири сурхондарёлик деҳқон ва тадбиркорлар ҳузурига ўтказилди.

● Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Глобаллашув шароитида халқаро журналистика» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

● Тошкентда Халқ университетлари немис уювмасининг халқаро алоқалар институти (IIZ/DVV) Марказий Осиё минтақасидаги бюросининг расмий очилиш маросими бўлди.

● Термизда «Ўзғичилар» очик акционерлик жамияти тизимида тайёрланаётган дорин-дармон ва тиббий маҳсулотлар тақдимоти бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳридаги «Автоёна» акционерлик жамиятида автобил ойнаси ишлаб чиқарила бошланди.



Боғларда Наврўз нафаси

СУРХОН ПИЁЗИ: АЧЧИҚ ВА ШИРИН

Сурхон пиёзи ҳақида эшитгансиз. Ахир бу ҳақида билмаганлар кам. Унинг доврғи ҳеч муболагасиз Москвага етган. Аслида «Сурхон пиёзи» деган нав йўқ. «Самарқанд пиёзи» бор. Қизил пиёзни кўргандирсиз, ана ўша. Турлари эса жуда кўп. Сурхон пиёзининг «шухрати» ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Аввал нақддан гапирсак.

Сурхондарёда қанча гектарга пиёз экилган? Неча тонна уруғ кетди? Қанча ҳосил олинади? Нархи қанча бўлади? Ундан вилоят қанча даромад қурари? Мени кечирасиз, бу саволларга ҳеч ким аниқ жавоб қайтаролмайди. Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидагилар «Бизда бу ҳақида маълумот йўқ» дейиши. «Статист»лар эса «Умуман сабзавот бор, алоҳида пиёз тўғрисида ҳеч нарса дея олмаيمиз» дея бош қайқашди.

Хамма гап пиёзнинг пулида. Деҳқоннинг тили билан айтганда, унинг нархи «ўйноқи», гоҳо «осмон» гоҳо «яксон». Бобомурод Жумаев Термиз туманидан. «Пиёзнинг номи»ни ҳам еган, аччиқ-чўчугини ҳам тотган. У дейди: «1999 йил декабрда бир кило пиёз бозорда 20-25 сўмга тушиб кетди. Пиёзчилар «банкрот» бўлди. 2000 йил декабрда бир кило пиёз 160-170 сўмга кўтарилди. Пиёз пул бўлди. Ва тўрт ой ўтиб, 2001 йилнинг апрелида пиёзнинг килоси 300-350 га кўтарилди. «Бугундан гапиринг, Бобомурод ака, бугундан» - дейман. «Бугундан айтсам, сиз хафа бўла-

сиз, мен хурсанд... - дейди деҳқон жилайиб. - Пиёз зўр, авжи яхши. Бозорда нарх 200 сўмга етди. Бу гап томиримни бир бураб ўтди. Бир кило пиёз 200 сўм! Ўтган йили шу пайт 30 сўм эди. Бугуннинг нархи тушган. Мақка дони баҳоси икки баравар пасайди. Пиёзнинг нархи эса кун сайин ўсиб бораётпти. Буларни ким ёки қайси ташкилот таҳлил қилади? Назаримда, ҳеч ким: **МУАММО** дард ҳам, даво ҳам бозорнинг ўзида... Қолаверса, бу Сурхондарёга камроқ боғлиқ. Кўпроқ пиёзни харид қиладиган яқин-олис бозорларнинг талаби нархни белгилайди. Бунда Сурхон деҳқонининг ҳам ўрни бор, албатта. Пиёзчининг энг катта муаммоси сара уруғ топишда. Пахтакор сара уруғ ташвишини унчаллик ҳис этмайди. Унинг учун институтлар, олимлар, бошқармалар, хўжаликлар ишлайди. Пиёзчилар қарийб «ўғай»дай. Уруғ сотадиган дўкон ҳам, раста ҳам, олиб-сотар ҳам жуда кўп. Хаммаси «молини» мақтайди. Аммо кафолат йўқ. Чўтбойхон Қораев 60 сотих ерга пиёз экиди. «Уруғни икки жойдан олдим. Бирови жуда сийрак, бирови яхши кўкарди, - дейди Қораев, - Пиёзнинг уруғида гап кўп. Олдинги йили кўшнимнинг пиёзи гуллаб кетди. Меники эса зўр, ҳар бири 500-600 граммлик бўлди. 20 тонна пиёз олдим. Қорақалпоғистонга обориб сотдим. Бироз қийналдим. Жойида, даланнинг ўзида пуллашим керак экан... Секин-аста рақобат фойда бера бошлади. Кафолатли сара уруғ тайёрловчиларнинг обрўи ошайтир. Емон уруғ сотган дўкондан пиёзчилар харид қилмай қўйишарпти. Пиёзнинг сара уруғидан катта даромад олувчилар пайдо бўлди. Маҳаллий пиёз уруғи тайёрловчилар йўли - халқона усул. Лекин илмий институтлар етиштирган жаҳон андозаларига мос уруғларни деҳқонга етказиш муаммолигича турибди. Ўғит масаласи ҳам кўнгилдагидек эмас. Пиёзга кўп микдорда минерал ўғит керак. Ҳар гектар пиёзга бир тоннадан кўпроқ азот, фосфор ва калий берилсади. Маълумотларга кўра, битта томоркага 2,5-3 килограмм минерал ўғит солинапти. Бу, нақд пулга ўғит сотадиган дўконлар ҳисоби бўйича. Уртадаги фарқни қаранг. (Бу алоҳида мавзу.) (Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Бу йил мамлакатимизда баҳор анча серёгин келиши кутиляпти. Юртимиз тоғли ҳудудларида тошқин, сел, кўчки каби кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимоли мавжуд. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси 7 март куни «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ тузилган тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди. Фавқулодда вазиятлар вазири Б.Субанов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Бошгидромет» бошқармаси бошлиғи В.Чўб, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси раиси Н.Аҳмедов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди. Ўтган йилнинг декабри ҳамда жорий йил январь-март ойлари мобайнида мамлакатимизда ёғин микдори меъёрдан анча ортти бўлди. Бу эса, «Бошгидромет» бошқармаси таҳминларига кўра, баҳор-ёз ойларида кўпгина дарё-сойларда тошқин ва сел оқимларини, қор кўчкиси каби ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги кунга қадар тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўндан кўпроқ кўчки кузатилди.

«Бошгидромет» бошқармаси маълумотларига қараганда, апрель-май ойларида кўп микдорда ёғин ва жала ёғиши ҳамда тоғ чўққиларидаги қорнинг тез эриши эҳтимолдан холи эмас. Тоғолди ҳудудларида сел оқими кузатилиши мумкин. Бу эса барча сув омборларида зарур микдорда захира учун жой қолдиришни талаб этади.

Йиғилишда бир қанча вилоятларда тоғолди ҳудудлари, дарё ва сойлар бўлида ҳамда шунга ўхшаш хавфли зоналарда айрим фуқароларнинг руҳсатсиз равишда турли иморатлар қураётгани, ердан қонунга зид равишда фойдаланаётгани билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Бундай ҳолатларга зудлик билан барҳам бериш, фуқароларни хавфсиз жойларга вақтинча ёки доимий кўчириш, фавқулодда вазиятлар ҳақида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш зарурлиги ўқтирилди. Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари Р.Юнусов ва Н.Юсупов иштирок этди. (ЎзА)

ПЛЁНКА: АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Фойда олиш. Бугун қишлоқда яшаб, далада меҳнат қилаётган деҳқоннинг нияти шу. Пахта етиштирадими, галлами, эрта эксам, зўр ҳосил олсам, кўпроқ наф кўрсам, дейди.

Андижонлик деҳқонларнинг чигитни плёнка остида ундириш услубини жорий этганлари ҳам бежиз эмас. Эртаки ва юқори сифатли ҳосил етиштиришнинг турган битгани фойдада. Мазкур вилоят деҳқонларининг ҳар йили сентябр ойидаёқ шартномани удалашаётгани ҳам плёнка шарофатидан, янгиликка интилиш туфайлидир.

Ўтган йил республикамиз бўйича қарийб 291 миң гектар ерда чигит плёнка остига экилди. «Андижон услуби»ни пухта ўзлаштирган хўжаликларда яқуний самара зўр бўлди. Бирок, агротехникага амал қилмаганлар ютказиб қўйди. Масалан, Тўртқўл, Шуманай, Кегейли, Арнасой, Зомин, Мирзаобод ва Оқ олтин туманларида чигит плёнка остига экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 9-18 центнердан пахта ҳосили олинди, холос. Нега? Ахир бу туманлардаги мутахассислар ҳам бошқалар қатори Андижонда бўлиб, уста пахтакорлардан сабоқ олишган эди-ку?..

Мана бу рақамларга эътибор беринг. Ўтган йил Оқ олтин туманидаги «Фарғона» хўжалигида 60 гектар ерда чигит плёнка остига экилди, кузга келиб пахта ҳосилдорлиги бор-йўғи 6,6 центнерни ташкил этди. Обди ўсулда ҳам бундан беш-олти марта кўп ҳосил олиш мумкин. Хўш, зарарни ким тўлайди?

Афсуски, баъзи жойларда плёнкани ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам содир этилган.

Масалан, Пахтакор туманидаги Кенжаев деган киши «Зафар» фермер хўжалигига тегишли бўлган 2 тонна 313 килограмм полиэтилен плёнкасини сотиб юборган. Яқкабоғлик собик раис Жаббор Рўзибоев 2900 килограмм плёнканинг талон-торож бўлишига бош-қош

БУГУННИНГ ГАПИ

бўлган. Аслида шу плёнкадан унумли фойдаланилганда, пахта ҳосилдорлиги гектар бошига беш-ун центнердан ошган, фойда неча ўн миллион сўмга кўпайган бўлмасми? Афсуски, бунинг хўжалик раҳбарлари, мутахассислари етарли даражада ўйлашмади. Оқибат ҳар гектарга 53-54 килограммдан ишлатилган плёнка зоё кетди.

Яна бир масала. Уруклик чигит исрофгарчилиги. Бир гектар ерга қанча чигит кетади, деб сўранг. Тажрибали деҳқон, туқлисида 50-60 килограмм, плёнка остига экилувчи туқсиз чигит 20-25 килограмм, дейди. У шу сарфга қатъий амал қилади ҳам. Бундан ўтган йил Навоий вилотида гектар бошига 109, Хоразмда 111, Самарқандда 119 килограмдан уруклик чигит сарфланган.

«Бунинг турган-битгани исрофгарчилик, - дейди данғарлик муҳандис Маҳмуджон Азимов. - Экиш агрегати соз бўлса аниқ ва сифатли, яғна қилишга ҳожат қолдирмайдиган қилиб экиш мумкин. Шунинг учун Данғара туманида ҳар бир селжака муҳандисларнинг ўзи назоратчи.

Мутахассислар эътироф этган мана бу рақам кишини

янада ўйга толдиради. Ўтган йил Хатирчи туманида бир гектар ерга 127 килограмм, Иштихонда 129, Оқдарёда эса 147 килограммдан уруклик чигит сарфланган. «Хой, бу чигитни увол қилиш эмасми? Селжанчи созлайлик, уруғни сифатини кўрайлик», деб ҳеч ким айтмаган чоғи. У ёғини суриштирсангиз, экиш маҳали ҳар пайкалнинг бошида туману вилоятдан келган бир неча вакил кўмирайиб туради. Бир қарашда назорат зўр, рақамлар эса аксинча...

Яна Наврўз келди. Табиат уйғонмоқда, деҳқонлар ҳам. Ерни сифатли тайёрлаб қўйган пахтакорлар чигитни



плёнка остига экишни ҳам бошлаб юборишган. Уста деҳқон эрта экишининг ҳосиятини, фойда зиёнини яхши билади. Кузнинг бошида терилган юқори нав пахта ноябрдаги ҳосилга нисбатан ўз соҳибига беш-олти баравар кўпроқ наф келтириши ҳам бор гап.

Айтинг-айтинг, деҳқоннинг бу йил насибаси улғу, кўнжикунда доғга тўлсин. Ўтган йилги хатолар кўпчиликка сабоқ бўлсин. Дона-дона чигитлардан яралган пахта хирмонларга сийма қетсин, фойда кўпайсин. Наврўзи олам - янги йилдан тилагимиз шу.

Абдунаби АЛИКУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ЭЗГУЛИК МАКТАБИ

Маҳалла - аҳиллик, меҳр-шафқат булоғи. У кўп миң йиллик тарихга эга бўлса-да, мустақиллигимиз шарофати билан ўз тарихи ва қадриятларини тиклашга ташна халқимиз тез фурсатларда кўча, гузар, даҳа, мавзе ва маҳаллалар асрий номларини тиклади. Биргина Бухоро шаҳрида Жўбор, Шайхун, Олам, Хавзи Нав, Турки Жанди, Дилқушо, Баҳорий, Пирн Дастир, Намозгоҳ ва бошқа маҳаллаларнинг қадимий номлари тикланди.

Дарҳақиқат, Туркистон давлатчилигининг пойдевори, шарқ халқлари тафак-

2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

қурининг ноёб маҳсули - маҳаллада инсонийликнинг барча хислат ва фазилатлари мужассамлашган, юртининг тинчлиги, ободлиги, жамият тараққиёти, инсоннинг шаклланиб камол топишида муҳим ўрин тутган, ахлоқий-маънавий тарбия бобидаги дорилфунун, доно оқсоқоллари, дуоғўй онахонлари, ҳамжихат, муруватли, имон-эътиқодли, диёнатли халққа эга пурҳикмат жой, ахил оила эканлиги муктарам Юртбошимиз томонидан эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

Дунёдаги энг эзгу ва савобли ишлардан бири йўл қурмоқ, қанал қазиб, сув келтирмоқ ҳисобланади. Инсонларнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик фазилатлари айнан шундай хайрли ишларда намён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда биринчи навбатда асосий эътибор янги йўллар ва кўприклар қурилишига, мавжуд

ОҲАНГАРОН ЙЎЛЛАРИДА

йўлларни жаҳон андозаларига мослаб қайта таъмирлашга қаратилди. Чунки йўллар мамлакат иқтисодини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатларни мамлакатлар билан боғловчи, халқларнинг ўзаро дўстлигини, ҳамкорлигини мустаҳкамловчи йўлларни қурувчиларни ва йўлларда ишловчиларни энг муътабар касб соҳиблари, десак янгилашмаган бўламиз. Оҳангарон туман йўллар бошқармасида ҳам мана шундай инсонлар меҳнат қилишади. Бошқарма тасарруфида 214 қақирим умумий фойдаланиладиган йўллар бор.

(Давоми 3-бетда)

«ЎТГАН КУНЛАР»ДАГИ ЎТКР НИГОҲ

«Ўтган кунлар»дай яна бир китоб яратиладими, йўқми билмадим, аммо, Абдулла Қодирийдай адибнинг қайта тугилмаслиги аниқ.

«1277 йил (милодий 1859 йил)нинг кузларида тўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшоддан бир хат олди. Қаноатшох Авлиёотадан ёзар эди:

«Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшинида эди. Авлиёота устида чор аскарлари билан **МУТОЛАА** тўқнашишимизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қахрамонона урушиб шахид бўлди. Мен ўз кўлим билан иккисини дафн этдим...»

Юсуфбек ҳожи хатми қурьон қилиб юртга ош берди. Ўзбек олим қора кийиб, таъзия очди». Хўш, бебаҳо асар нега бу тарзда яқунланди? Ушбу хотимада катта бир рамз йўқмикин? Ахир у аждодларимиз кўлидан кетган истиқлол аламини ишора-қўли. Исми жимсига мос бўлган Ўзбек олимнинг мотами эса Ватан озодлиги учун бўлган тенгсиз муҳорабада шахид кетган барча ўзбек йигитларига очилган аза эди.

(Давоми 4-бетда)

ХУҚУҚ

Хўжалик юритиш субъектлари ўртасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш шартнома шартларининг ўз муддатига ва тўлиқ ҳажмда бажарилишига боғлиқдир.

Шу сабабли шартномалар, аввало, икки томоннинг манфаатларига мос равишда ўз ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилмоғи лозим. Фақат шундагина тўлиқ ҳажмда бажарилади. «Ҳеч бир шартномадан хўжалик зарар кўрмаслиги, балки ўзи учун манфаат топиши,

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛСА...

бундан бўғига ишлаб чиқаришлар билан муносабатини қизиктириш, рағбатлантириш, уларга эркинлик бериш асосида қўриш лозим», деб жуда тўғри йўланма берган эди мамлакатимиз Президентини. Аммо амалиётда кўп ҳолларда бунинг акси бўлиб чиқмоқда. Ҳақиқатан ҳам хўжалик юритиш субъектларининг иқтисодий ноҳор аҳволга тушишига уларнинг мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, ташаббуссизлиги, боқимандалик кайфиятига берилганликлари оқибатида шартнома шартларини бажармасликлари сабаб бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ТИРИКЧИЛИК АЙБ ЭМАС, БИРОҚ...

Ғиждудон туманидаги Ғаждудмак қишлоғида мўъжазгина бозорча бор. Яқин атрофда яшовчилар ҳар яшанба кuni шу ердан бозор учар қилишади.

Тўрхалта кўтариб шу бозорчага бораётганимдан рўпарамдан ўн уч-ўн тўрт ёшли бола чиқиб, салом берди. Сўнг ийманибгина «Ака, уйингизда бирор юмуш бўлса қилиб берардим. Ер чоғиш,

МУЛОҲАЗА

жўяқ тортиш - хаммаси қўлимдан келадими», деб қолди.

Алланечук бўлиб кетдим. «Кимнинг ўғли экан? Истараси иссиқ», деган ўй кўнгилдан кечди. Танишлардан сўраб-сўриштирдим, болани «Фалончи муаллимнинг ўғли», дейишди. Ўша муаллимни яхши танийман. Дам олиш кунлари тирикчилик вақидан шик қидириб чиқади. Ёзги таътилда эса уч-тўрт, ҳамкасби билан қўшни туманларга йўл олади. Гишт қўйишни, томсувоқми, андава қилиш дейсизми, хуллас, миждоз буюрган ишни бажаради.

(Давоми 4-бетда)

ХИКМАТ

Кимнинг агар бўлса баланд

ҳиммати,

Эски кийимда

ҳам зўрдир

иззати.

Хусрав ДЕХЛАВИЙ

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ ЙЎЛИ ТЎСИЛАЯПТИ

МЕҲНАТ ҚАЧОН ТОШ БОСАДИ?

ОНАМНИНГ СОВФАСИ

ОҲАНГАРОН ЙЎЛЛАРИДА

(Боши 1-бетда)

Халқаро аҳамиятга эга бўлган «Тошкент - Ўш» йўлининг 47 чакирими ҳам шу йўл бошқармасига қарашлидир. Йўллари тартибга келтириш, геометрик ҳолатини яхшилаш, жаҳон андозаларига мослаш бўйича Тошкент вилояти йўллар бирлашмаси дирекцияси томонидан дастур ишлаб чиқарилган. Ушбу дастур асосида уч чакиримдан ортиқ йўлга асфальт қоплама ётқизилди.

Мавжуд йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, оқибатда озодалигини сақлаш учун бошқармага қарашли участка йўл хизмат бўлими мунтазам фаолият кўрсатади.

Йўлларимизнинг катта қисми тоғли ҳудудда бўлгани учун, - дейди бошқарма бошлиғи Бахтиёр Абдуса-

ташилаётган халқ хўжалик юрларининг манзилига нестобуд қилмасдан етказилиши, йўловчиларнинг ой бориб, омон келишини таъминлаш кўп жиҳатдан бизларнинг фаолиятимизга ҳам боғлиқ.

Хозирги вақтда замонавий, жаҳон андозаларига мос йўл куриш катта маблағ талаб қилиш билан бирга, йўл куришида фойдаланиладиган кудратли техникаларга ҳам зарурат туғилади. Бу жиҳатдан республикамиздаги кўпгина йўллар бошқармалари оҳангаронлик ҳамкасбларига ҳавас қилишса арзийди. Чунки ушбу бошқарма яхши моддий-техник базага эга. Бошқарма ихтиёрида 45 та автосамосвал, 23 та йўлни таъмирлаш ва курилишида фойдаланиладиган механизмлар, хорижда ишлаб чи-

қилган йўли шу техникалар ёрдамида 4,6 чакиримлик «Телов - Шоввозой» йўлини куриб битказдилар. 50 чакирим йўлдаги ёриқларга битум қуйилди, емирилган 36 чакиримлик йўл қайта таъмирланди. «Тошкент - Ўш» йўлининг беш чакиримига қоплама ётқизилди. Шунингдек, катта йўл чеккасида 2 чакиримлик пиёдалар учун тош йўлак ётқизилди.

-Пиёдалар йўлагининг тошдан қилинаётгани чиройли бўлиши билан бирга, анча арзонга тушаётир, - дейди бошқарманинг бош муҳандиси Ботир Дада-хўжаев. - Масалан, бир чакиримлик йўлак бетон билан қилинганда салкам 4 миллион сўм атрофида пул сарфланади. Тош билан қилинган йўлакка эса 420 минг сўм харажат қилинади. Хом ашё, яъни тош эса бизнинг туманимиз ҳудудида истаганча топилади.

Ҳақиқатан ҳам тоғ-тошлари чиройли қилиб терилган йўлақлар ўзининг табиийлиги, бежиримлиги ва ўзига хослиги билан кишининг кўзини қувонтиради. Қолаверса, бу йўлақлар узок муддатга чидайди.

Йўлларнинг гўзаллиги, ёзда маълум даражада соя-салқин бўлиши

йўл чеккасига экилган дарахтларга ҳам боғлиқ. Буни яхши билган йўлчилар йўлларнинг ён-атрофларига ҳар йили турли дарахт кўчатларини экиб келишади. Бу йил ҳам улар уч

минг туп терак, гилос ва бошқа мевали дарахт кўчатларини яхши ният билан йўл атрофларига қададилар.

Тоғ томонга илон изи каби ўраниб кетган Оҳангарон йўла-

ридан юрсангиз йўлчиларнинг қилаётган ишларини яққол кўрасиз ва шу йўлдан бехатар кетаётганингиз учун беихтиёр уларга раҳмат айтасиз.

Абдуразоқ КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
муҳбири.
Б.АКРАМОВ олган сурат.



миев. - Йўллар назоратида ўта масъулият ва огоҳликни талаб қилади. Ҳар куни шу йўллардан ўтайдиган минглаб машиналарнинг ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш,

риланг энг замонавий асфальт қуйиш техникалари бор. Ўтган йилнинг кузида яна «СуперМАЗ» сотиб олинди.

Оҳангаронлик йўлчилар

ОҲАНГАРОН АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАР БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини қутлуғ байрам - Наврўз билан қутлайди!

Янги йил - Наврўз барчамизнинг хонадонимизга қут-барака олиб келсин!

«ФЛОРА -2003» КЎРГАЗМАСИ

Республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги «Узэкспомарказ»да гуллар, манзарали ўсимликлар ва боғдорчиликка бағишланган «Флора-2003» кўргазмасини ўтказди.

Кўргазмада хона ва ховлилар учун хилма-хил гуллар, кўчатлар ва уруғлар етиштирувчи ва уларни сотувчи давлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, Ботаника боғи, боғ хўжаликлари, шунингдек, хусусий фирма ва хусусий тадбиркорлар иштирок этдилар, - деди «Узэкспомарказ» сервис бўлими бошлиғи Зухра Сиддиқова «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Ўтган йили ўтказган кўргазмада 20 дан ортиқ давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар қатнашган эдилар. Мазкур кўргазмада эса Республика Фанлар академияси «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази, Тошкент давлат аграр университети, Урмон хўжалиғи, «Санипласт» ўзбек-исроил қўшма корхонаси, «Совласт-тал» қўшма корхонаси каби ўттиздан зиёд корхона, ташкилот ва фирмалар қатнашмоқда.

Кўргазманинг ҳар бир экспозицияси ўзининг ранглар жиҳози, назик диди ва ажойиб дизайни билан мутахассис ва меҳмонлар диққатини тортади. Энг асосийси, улардан баҳор ва Наврўз байрами нафаси уфуриб туради.

БАЙРАКНИНГИЗ КЎТЎҲ БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАРИ!

Наврўз - эзулик, гўзаллик, меҳр-оқибат байрами. Минг йиллардан бери халқимиз бу қутлуғ айёмни қувонч, шукроналик билан қарши олади. Наврўз асрий қадриятларимизнинг бетакрор намунаси. Наврўзий латофат, баҳорий кайфият Сиз, азиятлар ҳам доим ёр бўйсин. Байрамингиз муборак, муҳтарам юртдошлар!

Чиноз туманидаги «Тонг отар» фермер хўжалиғи жамоаси.

БАЛАНС ОАО «Шодлик» на 01.01.2003 год.

№	АКТИВ	Тыс сум	ПАССИВ	Тыс сум
1	Основные средства Первоначальная стоимость	2263288	Уставный капитал	1225000
2	Износ	652293	Добавленный капитал	96000
3	Остаточная стоимость	1610995	Резервный капитал	1164986
4	Нематер. активы Первонач. стоимость	32096	Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток)	-1878959,3
5	Износ	32096	Итого по разделу 1	607026,7
6	Итого по разделу 1	1610995	Долгосрочные займы	1070648
7	Производ. запасы	18501	Долгосрочные кредиты банков	1532563,0
8	Расходы будущих периодов	1453140,5	Авансы полученные от покуп. и заказчиков	75876
9	Денежные средства	4255	Кредиторы всего	59683
10	Валютные средства	20164	Поставщики и подрядчики	5477
11	Дебиторы всего	238741,2	Задолженность по бюджету	8122
12	Расчеты с покуп. заказчиками	35742	Задолженность по оплате труда	2314
13	Расчеты с учредит.	202190,0	Задолженность по внебюджетным платежам	2289
14	Задолженность прочих дебиторов	809,2	Расчеты с дочерними и зависимыми хол. обществами	18671,0
15	Итого по разделу 2	1734801,7	Прочие кредиторы	22810,0
			Итого по разделу 2	2738770
	Всего по активу баланса	3345796,7	Всего по пассиву баланса	3345796,7

ОТЧЕТ ОАО «Шодлик» О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ на 01.01. 2003 год

Показатели	Доходы	Расходы
Выручка от реализации продукции	59567,6	
Налог на добавленную стоимость		46400
Чистая выручка от реализации	54927,6	
Производственная себестоимость реализованной продукции товаров, услуг, работ		250501
Валовой финансовый результат от реализации	298775	
Расходы по реализации		3483
Административные расходы		124451
Прочие операционные расходы и доходы от основной деятельности	527	83983
Финансовый результат (прибыль, убыток) от основной производственной деятельности	87385	
Прочие % уплаченные и полученные		174974
Курсовые валютные разницы	13824	616355
Прибыль (убыток) от обихода деят.		690120

Достоверность отчета подтверждено аудиторской фирмой «Зумрад Аудит» (лиц. № 91 от 25.06.2001г)

Беруний номли Тошкент Политехника институти томонидан 1983 йили Алимбаева Хуршида Абдурашидовна номига берилган КВ № 822090 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги 31-мактаб томонидан 1986 йил 14 июнда Харченко Виталий Владимирович номига берилган № 103858 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1984 йили Саидгаимова Сайёра Камаловна номига берилган КВ № 846580 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

АЙЁМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

«ЎЗАГРОСУГУРТА»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

халқимизни баҳорнинг энг гўзал ва қадимий байрами Наврўзи одам билан самимий қутлайди. Наврўз ҳар бир юртдошимизнинг хонадонига қувонч ва шодлик, файз-барака, тўқин-сочинлик олиб кирсин! Аждолларимиз Наврўзнинг жума кунига тўғри келишини яхшилик белгиси сифатида қабул қилишган. Бу йилги Наврўз ҳар биримиз учун бахт ва омад келтиришини Яратгандан сўраб қоламиз.

«Ўзагросугурта» компанияси Сиз билан самарали ва ишончли ҳамкорликни давом эттириш истагини билдиради. Шуни нутумангки, азиялар, у қишлоқ хўжалиғи соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва маҳсулотини сугурталовчи, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи, шахсий ва мулкый манфаатларни сугурта йўли билан ҳимоялашни таъминловчи энг ишончли ташкилот.

Компаниянинг Қорақалпоғистон Республикасида, Барча вилоятларда бўлимлари мавжуд. Сиз истаган вақтда куйидаги манзил ва телефонлар орқали бизга мурожаат этишингиз мумкин:

- Тошкентда - 700047, Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уй. Тел.: 133-31-89; Лutfий кўчаси, 18-уй. Тел.: 78-28-39, 120-67-02
- Нукусда - 742000, Татибоев кўчаси, 48-уй. Тел.: 25721, 25719
- Андижонда - 710031, Навой шох кўчаси, 126-уй. Тел.: 251221, 253533
- Бухорода - 705006, Низомий кўчаси, 6-уй. Тел.: 39910, 33370
- Жиззахда - 708000, Зағарлик маҳалласи кўчаси, 7-уй. Тел.: 65750, 67823
- Қаршида - 730000, Мустақиллик кўчаси, 2-уй. Тел.: 11270, 11493
- Қарманда - 706810, Қаршиев кўчаси, 29-уй. Тел.: 23636, 23046
- Наманганда - 716000, Навой кўчаси, 9-уй. Тел.: 61032, 64510
- Самарқандда - 703005, Ўзбекистон кўчаси, 51-уй. Тел.: 310785, 337191
- Термизда - 732008, Гагарин кўчаси, 36-уй. Тел.: 37802, 37728
- Гулистонда - 707000, Халқлар дўстлиғи кўчаси, 16-уй. Тел.: 51127, 51116
- Фарғонада - 712000, Навой кўчаси, 13-уй. Тел.: 246468, 243803
- Урганчда - 740000, Абдулла Кодирий кўчаси, 26-уй. Тел.: 67504, 68519

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ОПЕРАЦИЯЛАР «ИРОҚ ОЗОДЛИГИ» ДЕЯ НОМЛАНДИ

АҚШ ва Буюк Британия томонидан Ироққа нисбатан амалга оширилши кутилаётган ҳарбий амалиётлар «Ироқ озодлиги» дея аталди.

Хозирда бу операциялар дунёнинг 45 та давлати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо саналган Франция гарчи бу амалиётларга қарши чиқаётган бўлса-да, борди-ю Ироқ томонидан оммавий қиргин қуроллари ишга солинса, у ҳолда Париж Иттифоқчиларга ёрдам беришини маълум қилган. Шунингдек, дунёнинг етакчи давлатларидан саналган Япония ҳам Оқ уй позициясини қўллаб-қувватлади.

Айни пайтда эса Ироқдан БМТга қарашли 200 га яқин халқаро инспекторлар олиб чиқиб кетилган ва мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Гарчи, Садад Хусайн Оқ уй ультиматумини бажариб, мамлакатдан чиқиб кетса ҳам, иттифоқчилар оммавий қиргин қуролларини излаб топиш мақсадида Ироққа кирадилар. Бу ҳақда АҚШ президентининг матбуот котиби Ари Флейшер маълум қилди.

УЛЬТИМАТУМ ТУГАДИ

АҚШ томонининг ташаббуси билан ташкил этилган Вашингтон ва Москва раҳбарлари Жорж Буш ҳамда Владимир Путин ўртасидаги телефон мулоқоти Ироқ масаласига бағишланди.



Унда Россия президенти Владимир Путин Қўшма Штатларнинг Садад Хусайнга қўйган ультиматумидан афсусланаётганлигини билдирган.

Москва вақти билан сешанба куни тонг 04:00 да янграган Жорж Бушнинг Садад Хусайн ва унинг ўғилларига мамлакатдан чиқиб кетишлари учун 48 соатлик ультиматуми бугун эрталаб ниҳоясига етди. Оқ уйдан туриб қилган телечиқишида Жорж Буш агарда талаб бажарилмаса, у ҳолда иттифоқчилар истаган вақтда ҳарбий операция бошланишини айтган эди. Лекин, Оқ уй раҳбари томонидан қўйилган бу шартни Садад Хусайн рад этган ва Ироқда қоллишини билдирган.

УРУШДА ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ ҚАТНАШАДИМИ?

Халқаро журналистлар федерацияси Ироқ уруши бошланса, журналистлар фаолиятлари чеклаб қўйилмаслиги учун томонларни эътибор беришга чакирди.

Федерация раҳбарининг айтишича, юзлаб тележурналистлар жангоҳларга киришлари ва воқеалар ривожини жаҳон ҳамжамиятига етказиб беришлари мумкин. Шу сабабли федерация АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд ва Ироқ президенти Садад Хусайнларни журналистлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари учун ўз ҳарбийларига буйруқ беришга чакирган. Қасбий аъёналарига мувофиқ оммавий ахборот воситалари ўз вазифаларини адо этишлари лозим. Бирок, NBC телекомпанияси эса маълум ҳудудларга журналистларнинг киритилишлари тақиқлашни мумкин, деган хабарни тарқатди.

НОМАЪЛУМ ЮКУМЛИ КАСАЛЛИК

Бир жиҳатдан ўткир ўпка яллиғлигини эслатувчи яқинда пайдо бўлган касаллик мутахассисларнинг фикрича, янги микроблар гуруҳи бўлиши керак.

Хозирга қадар Швейцария, Италия, Испания, Буюк Британия, Исроил, Хитой, Канада, Гонконг, Вьетнам, Сингапур, АҚШ, Германия, Словения, Австрия, Финляндия, Тайван, Филиппин ва Австралия давлатларида 700 дан ортиқ кишилар ушбу юкумли хасталик билан оғирланган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг билдиришича, ушбу номаълум касаллик 1918 йилда пайдо бўлган гриппни эслатади. Ушанда у туфайли дунё бўйича 20 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмган эди. Осиёдан чиққан бу касаллик Хитой шимолида феврал ойи охирида юзага келган. Ва у билан боғлиқ биринчи бемор Тайванда қайд этилган. Хозирда Сингапур, Гонконг, Вьетнам давлатларида ҳар куни унга чалинган беморлар кузатилмақда. Шу боис, нафақат Осиё мамлакатлари, балки Европа давлатлари ҳам ундан ҳимояланиш учун ўз аэропортларида тиббий куриқни кучайтирилган ҳолатда ташкил этганлар.

СЕРБИЯ ГАЗЕТАЛАРИ ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

Сербия ҳукумати мамлакатда чоп этиладиган учта нашрининг фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Бунга сабаб, «Националь» ва «Дан» кундалик ҳамда «Идентитет» ҳафталик газеталарининг ўз саҳифаларида марҳум бош вазир Зоран Жинжич ўлимига дахлдор маълумотларни берганлиқларидир. Ҳукуматнинг фикрича, газеталардаги маълумотлар жиноятчиларни қидириш ишларига халал беради. Айни шу пайтда Сербия бош вазир Зоран Жинжич парламент олдига чиқиб қилиб, мамлакатдаги барқарорликни сақлаб қолишга, ислохотлар ўтказишга ҳамда Жинжичнинг қотилларини топишга ваъда берди. Хозирга қадар суиқасд доирасида 750 га яқин гумдонлар хибсга олинди, дея хабар беради «Новости» ахборот маҳкамаси.

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Фаластин муҳторияти раҳбари Ёсир Арофат ўз ҳокимияти таркибига бош вазир лавозимини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

Ундан аввалроқ эса бу янги вазифани Фаластин парламенти маъқуллаган эди. Унга қўра, бўлғуси бош вазир ҳукумат вазирларини ишга қабул қилиш ва овоз этиш ваколатига эга бўлади. Бу вазифага эса Ёсир Арофат Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарларидан саналган Махмуд Аббосни тақдир этиш ниятида. Аммо, ундан аввалроқ Арофат ва парламент аъзолари ўртасида келишмовчилик юзага келган бўлиб, унда Ёсир Арофат ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва овоз этишни ўз қўлида сақлаб қолмоқчи эканлиги айтилган.

кошига уринган эди, дея хабар беради «Ассошиэтед Пресс» агентлиги.

